

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2009 йил, 25 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСIIЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 39 (11.350)

Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янги босқичга кўтариш, тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида ташкил этилган «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди.
- Урганч шаҳрида «MEGA SFERA» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Замонавий мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона барпо этиш учун 310 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб этилди. Янги қўшма корхона йилга 400 миллион сўмлик мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 20 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган бўлиб, корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач яна 20 та янги иш ўрни ташкил этилади.
- Навоий вилоятидаги мавжуд 339 та ўзини ўзи бошқариш органларининг барчаси бу йил компьютер техникаси билан таъминланди. Ҳомий ташкилотлар ва корхоналар маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, бу хайрли ишни ҳам ўз зиммасига олди. Шунингдек, фуқаролар йиғинларини мебель жиҳозлари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.
- «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағғармасининг «Янги авлод» Болалар ижодиёти марказининг бир гуруҳ аъзолари «Дунё бўйлаб» деб номланган халқаро интернет-танловда совриндорлар сафидан жой олишди.
- Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят театрида ёш эстрада хонандаларининг «Кўшигимда Наврўз шуқуҳи» мавзuida кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда голиб деб топилган 24 нафар иштирокчи вилоятда ўтказиладиган Наврўз байрами тантаналарида қатнашади.
- Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида истеъдодли rassom Хусан Содиқовнинг асарлари кўргазмаси очилди. Унда ижодкорнинг ўзбек ва жаҳон халқ эртақлари қаҳрамонларининг тасвири акс этган 200 га яқин асари намойиш этиляпти.
- «Ўзбекқўмир» очик акциядорлик бирлашмаси тасарруфидаги қўмирни ёпиқ усулда қазиб олиш корхонаси январь ойида 12.340 тонна маҳсулот тайёрлаб, шартнома мажбуриятларини 103 фоизга бажарди. Йил охиригача корхонада ўтган йилдагидан 15 минг тонна кўп, яъни 184 минг тоннадан зиёд қўмир қазиб олишни мақсад қилишган.

## ЖАҲОНДА

- Европа Иттифоқи Украина, Белоруссия, Молдова, Грузия, Арманистон ва Озарбойжон давлатлари ҳамда ЕИ ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш мақсадида тузилган «Шарқий ҳамкорлик» дастури доирасидаги навбатдаги йиғинга Россия ва Туркияни кузатувчи сифатида таклиф этди.
- Россия Федерацияси ва Тожикистон давлатлари президентлари энергетика соҳасида ҳамкорлик ва Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан ўзаро ҳаракатлар бўйича музокаралар ўтказдилар.
- Манила-Токкио йўналиши бўйича учаётган самолёт қутулмаган ҳаво гирдобига тушиб қолди. Самолёт чайқалишининг оқибатида 30 киши жароҳатланди. Жароҳат олганларнинг барчаси хавфсизлик камарини тақмаган йўловчилар бўлиб, қолган 422 нафар кишига ҳеч қандай зиён етмаган.
- Италия ўзининг Албаниядаги ҳарбий-денгиз базасини ёпишга қарор қилди.
- Гвинеянинг собиқ президенти Л.Контенинг ўгли гивандлик моддалари контрабандаси билан шугуллангани учун ҳибсга олинди.
- АҚШ Президенти Барак Обама уй-жой секторида инкирозга қарши чора-тадбирлар дастурини эълон қилди. Ушбу дастур доирасида 7 миллиондан 9 миллионгача бўлган оилалар молиявий ёрдам олиб, уй-жойларини мусодара этилишидан асраш мақсадида кредитларни тўлаш муддатларини ўзгартиришлари мумкин бўлади. АҚШ маъмурияти ипотека кредитлари бўйича тўловларни тўлашга қодир бўлмаган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида 75 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратади.
- АҚШ Гуантанамо маҳбус қамқоҳонасида сақланаётган бир нечта маҳбусни Испанияга бериши мумкинлигини билдирди.
- ЮНЕСКО дунё тилларининг бугунги ҳолати ва яшовчанлиги ҳақида таҳлилий маълумотни эълон қилди. Унга кўра дунёда жуда кўп тилларнинг йўқолиб кетиши давом этмоқда. ЮНЕСКО атласида 2,5 мингта тилнинг йўқолиб кетаётгани ҳақида маълумот келтирилган бўлиб, охириги бир нечта ўн йиллик ичида 200 дан ортиқ тил бутунлай йўқ бўлган.
- Австралининг Мельбурн шаҳридаги олимпия стадионида ўрмон ёнгинларида ҳалок бўлганларнинг хотирасини ёдга олиш маросими бўлиб ўтди.
- 2008 йилнинг кузида рўй берган ёнгиндан сўнг деярли 90 миллион долларлик таъмирлаш ишлари амалга оширилган Евротуннел тўлалигича фаолият кўрсата бошлади.

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАКЛИФИГА БИНОАН ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГУРБАНГУЛИ БЕРДИМУҲАМЕДОВ 24 ФЕВРАЛЬ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев қутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов пойтахтимиздаги «Туркистон» саройига ташриф буюрдилар. Бу ерда ўзбек ва туркман санъаткорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.


Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар янги анъаналар билан бойимокда. Президент Ислom Каримовнинг 2007 йил октябрь ойида Туркменистонга давлат ташрифи асосида Ашхободдаги «Рухият» саройида ўзбек ва туркман санъат намояндаларининг катта концерти намойиш қилинган эди.

Президент Ислom Каримовнинг ўша ташрифи чоғида 2008-2010 йилларда маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури қабул қилинган эди.

Бундай байрамона тадбирларнинг олий даражадаги ташриф кунлари ўтказилиши икки мамлакат раҳбарияти маданият ва санъат арбобларининг алоқаларини ривожлантиришга юксак эътиборидан яна бир далолатдир.

«Туркистон» саройида намойиш қилинган концерт томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Санъаткорларнинг ҳар бир чиқиши олқишлар билан қарши олинди. Бу маданий ҳамкорлик бобида эришилган яна бир ёрқин муваффақият, икки мамлакат санъаткорларига янги илҳом бахш этадиган ва уларни янада яқин ҳамкорликка ундайдиган ютуқлардандир.

(ЎЗА)



Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Хусусий бизнес

**ИЗЛАНИШ САМАРАСИ**  
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИ ЯНГИ-ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШДА, АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ШУ БОИС ҲАМ ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛИБ, УЛАР ҲАР ТОМОНЛАМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «E-TIQOD» хусусий фирмасида ҳам ўтган ўн йилдан ортиқ вақт давомида ўнлаб янги иш ўринлари яратилди, устозлар кўмагида малакали ёш меҳнаткорлар камол топди. Корхона йилдан йилга ривожланиб, цехларга Италия ва Хитойдан келтирилган замонавий, юқори унумли технологик линиялар ўрнатилди.

Ана шу технологик линиялар шарофати ва 100 нафарга яқин тажрибали меҳнаткорларнинг маҳорати билан сифатли ҳамда рақобатбардoshi меҳнат турти 60 хилдан ортди. Энг асосийи эса хорижийдан асло қилинмайдиган замонавий дизайнли юмшоқ мебель, стол-стул ва бошқа маҳсулот турларига харидорлар сафи ортиб бормоқда. Чунки изланишлари

самара бераётган меҳнаткорлар мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар ва имтиёزلардан оқилона фойдаланишмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТДА:** меҳнаткорлар сифатли маҳсулот турларини тайёрлашда маҳорат кўрсатишмоқда.

**Ҳакимжон Солихов олган сурат.**

## ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА ЎТГАН ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солихов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида илм-фанимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий лабораторияларда яратилаётган янги ишланмаларни иқтисодиётимизнинг устувор соҳаларига татбиқ этишга қаратилган эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан бу борада амалга оширилаётган изчил изланишлар натижасида жамиятимизнинг барча тармоқларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қўллаб-қувватловчи илмий кашфиётлар яратилмоқда.

Ген муҳандислиги соҳасидаги дунёда аналогли бўлмаган трансген гўза нави, жаҳон тиббиётининг илгор технологиялари асосида яратилган янги шифо воситалари, нефть ва газ санъатида қўлланиладиган ишланмалар шулар жумласидандир. Кимёгар олимларимизнинг илмий изланишлари ҳам юксак самаралар бермоқда. Бу жараёнда яратилаётган ўсимликларнинг усичини тезлаштирувчи воситалар ва дефолиантлар, самарали кимёвий ўғитлардан аграр тармоқда унумли фойдаланилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишларида эришилаётган илмий ютуқлар эса халқимиз, хусусан, улгайиб келаётган авлоднинг дунёқараши ва тафаккурини янада юксалтириш, ўзлигини англаш, бой ўтимишимизни асл ҳолига ўрганишга хизмат қилаётди.

Мамлакатимиз илм-фанининг бу бо-

**Кечка сатрларда**

- **БУГУН** Республика Маънавият тарғибот марказида «Ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ёш ҳуқуқшунос тарғиботчиларнинг ўрни» мавзuida маънавий-ҳуқуқий тадбир бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Ёшлар ижод саройида ташкил

этилган бадий кўргазма «Ёш расомлар ижодида миниатюра анъаналари» деб номланди.

- **ЎТГАН** кун Тошкент банк коллежида «Масъулия — энг улғуфазилат» мавзuida ўтказилган давра суҳбатига ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.
- **БУГУН** Миробод туманидаги Гафур Фулом номли маданият уйида бадий хаваскорлик жамоалари, ўқув курслари, тўғарақлар раҳбарлари, аъзолари иштирокида ўтказилган «Очиқ дарс» тадбири «Аёл хусни соч билан» деб номланди.
- **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий хаваскорлик жамоалари ўртасида «Рақслар жилоси» мавзuida ўтказилган кўрик-тан-

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири

# ИШГА АМАРҲАМАТ!

ЎТган йили «БАНДЛИК» ДАСТУРИ ДОИРСИДА ШАХРИМИЗДА 63 МИНГДАН ЗИЁД ЯНГИ ИШ

**ЖОЙЛАРИ ЯРАТИЛДИ. ЖУМЛАДАН, 10.496 НАФАР ФУҚАРОНИНГ УЙ ШАРОИТИДА МЕХНАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ ТАЪМИНЛАНДИ, ХУСУСАН, ЯРАТИЛГАН ИШ ЖОЙЛАРИНИНГ АСОСИЙ САЛМОҒИ — 72 ФОИЗИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА. БУНУНГИ СУЎБАТДОШИМИЗ — ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕХНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ СЕРГЕЛИ ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗ РАҲБАРИ ХОЛИДА НИЗОМОВА ЖАМОАНИНГ ПОЙТАХТЛИКЛАРИНИНГ БАНДЛИК МАСАЛАСИГА ЕЧИМ ТОПИШИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:**

— Юртимизда бозор муносабатларининг вужудга келиши туфайли фуқароларимизнинг меҳнат ҳуқуқларини амалда таъминлаш ҳамда етарлича ҳимоя қилишга боғлиқ масалалар ҳам юзага келди. Айниқса, кейинги йилларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятига кенг йўл очилиши меҳнат қонунчилигида ҳам ўзгаришларни келтириб чиқарди. Фуқароларнинг ишга бўлган эҳтиёжи мавжуд экан, уларнинг ҳар томонлама манфаатларини ҳимоя қилиш асосий масала ҳисобланади...



Бандлик

## МАҲАЛЛАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Туманимизда 33 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 150,3 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Доимий банд бўлмаган аҳолига мададкор бўлиш мақсадида марказимиз ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарорлари, мезъори ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат кодекси ҳамда бош бошқарманиннг йўналишлари асосида фаолият юритилмоқда. Бизга иш сўраб мурожаат этган доимий банд бўлмаган аҳолини туманимиз, шаҳримизда иш юритаётган йирик, кичик, хусусий ишлаб чиқариш корхоналари, муассаса, ташкилот, идораларга ишга жойлаштириш асосий вазифаларимиздандир. Жумладан, бошқарманимиз тасарруфидаги Ишчиларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юбориш ишлари ҳам қатъий назоратимизда.

Даставвал, маҳаллаларда яшаётган банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш (бунда ўзини ўзи бошқариш органларининг раислари, фаоллари кўмағига таъинимизни алоҳида таъкидлаш ўринли), уларни ўзлари хоҳлаган мутахассисликларига кўра ишга йўлланма билан жойлаштириш жамоа ахллимизнинг самарали саъй-ҳаракатлари, меҳнати махсули ҳисобланади. Шунингдек, туман аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами меҳнат муносабатларида эркин рақобатга кириши олмайдиганлар — ёшлар, ногиронлар, ногирон фарзандни боқувчилар, кам таъминланган кўп болали оилалар, Куролли Кўчалар сафидан хизматдан қайтганлар, жазо муддатини ўтаганлар билан алоҳида иш олиб борилади.

Бевосита рақамларга мурожаат этилган бўлса, ўтган йили марказимизга 2844 нафар киши иш сўраб мурожаат этган, шулардан 1378 нафари ёшлардир. Жами йил давомида 2455 нафар фуқаро ўз хоҳишига кўра ишга жойлаштирилди (жумладан, улардан 1197 нафари ёшларни ташкил этади). Шу-

нингдек, жамоамиз 215 нафар фуқарони ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборди. Бош бошқармага қарашли ўқув марказида йил давомида туманимизда истиқомат қилувчи 357 нафар киши касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш учун йўлланмалар билан ўқитилди.

Янги иш жойлари яратиш бўйича ўн икки ойда дастур бўйича 4161 та иш ўринлари ташкил этилиши режаланган бўлиб, амалда 4333 та яратилди. Бу эса режага занди боқувчилар, кам таъминланган кўп болали оилалар, Куролли Кўчалар сафидан хизматдан қайтганлар, жазо муддатини ўтаганлар билан алоҳида иш олиб борилади.

Бевосита рақамларга мурожаат этилган бўлса, ўтган йили марказимизга 2844 нафар киши иш сўраб мурожаат этган, шулардан 1378 нафари ёшлардир. Жами йил давомида 2455 нафар фуқаро ўз хоҳишига кўра ишга жойлаштирилди (жумладан, улардан 1197 нафари ёшларни ташкил этади). Шу-

та, уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобида 1020 та иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги «Аҳоли бандлигини, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 939 та касаначилик иш жойлари яратиш режаланган эди. Амалда йирик sanoat корхоналарида 569 та, кичик sanoat корхоналарида 375 та касаначилик иш ўринлари яратилди. Масалан, туманимизда фаолият юритаётган «Файз» холдинг компанияси, «Барака альфа» қўшма корхонаси, «Ўз-Эллас» ки-

чик корхонаси, «Мет-фур-сервис» масъулияти чекланган жамаияти кабилар бу борада фаоллик кўрсатишди.

Бундан ташқари, марказимизнинг иш самарадорлигини ошириш, аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида ўтган йили 6 марта «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Мазкур ярмаркаларда туманда истиқомат қилувчи 1851 нафар фуқаро фаол қатнашди, улардан 386 нафари ишга жойлаштирилди.

Сирасини айтганда, ҳар биримиз ўз иш жойимизда давлатимиз ислохотларининг бош мақсади — инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашдан иборатлигини эсда тутишимиз зарур. Бу борадаги бизнинг фаолиятимиз қатъий режалар асосида олиб борилаётган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: Сергели туман бандликка кўмаклашувчи марказ жамоаси иш фаолиятидан лавҳалар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲАЙЪАТИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий тўғривор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифалари белгилаб олинди.

Давлат раҳбарининг маърузасида прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этишда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги мавжуд камчиликларга алоҳида эътибор қаратилганлиги қайд этилиб, уларни бартараф этиш ва қўйилган вазифаларни тўлиқ бажаришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

Шунингдек, ҳайъат мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2008 йилдаги фаолияти якунлари ҳам муҳокама қилинди.

Ҳайъат мажлисида Республика Бош прокурори томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, айниқса, жаҳонда вужудга келган иқтисодий инқироз туфайли мамлакатимизда унинг салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг сўзсиз бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатиш бўйича прокурорлар олдида қатъий талаблар қўйилди.

Муҳокама якунларида кўра прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунлар ижросини назорат қилиш фаолиятини янада яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

### ПОЙТАХТ МЕҲМОНХОНАСИДА «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.

ИИВ ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки жамғармаси вакиллари ички ишлар идоралари ходимларини инсон ҳуқуқлари бўйича мавжуд халқаро андозалар билан яқиндан таништиришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исро Каримовнинг 2008 йил 1 майддаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишга қаратилган юксак эътибор ифодасидир. Мазкур Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда 2008 йил 12 сентябрда республика Ички ишлар вазирлигида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси, жойларда эса шунга мувофиқ равишда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш бўлими ташкил этилди.

Тадбирда сўз олган ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ва бошқалар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга алоҳида тўхталиб ўтишди. Амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат эканлигини қайд этди.

ИИВ ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлари таҳсинга сазовор. Айтиш жоизки, ўтган йил давомида ИИВ ва турли ташкилотлар, жумладан, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимоясига бағишланган 230 дан ортиқ анжуман, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилган.

— Мазкур семинар-тренинг бизга инсон ҳуқуқларининг назарий асослари ва бу борадаги халқаро андозалар билан яқиндан танишиш имконини берди, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, полковник А.Эрназаров. — Биз уч кун давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки жамғармаси мутахассисларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро тизим, жумладан БМТ ва Европа Кенгашининг ишлаш принциплари, ички ишлар идораларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги роли ва бошқа кўплаб қизиқарли мавзулардаги маърузаларини тингладик.

Семинар-тренинг иштирокчилари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро андозалар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида ўзаро фикр алмашишди. Мазкур туркум семинар-тренинг қатнашчиларига махсус сертификатлар топширилди. Бундан ташқари, бу каби тадбирларни республикамизнинг бошқа минтақаларида ўтказишга келишиб олинди.

**Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»**

## Хунари гўзаллар

### НАФОСАТГА ОШНО ҚАЛБ

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ШАРОФАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗДА ХУНАРМАНДИЛИККА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА, ШУ СОҲА ВАКИЛЛАРИГА ЕТАРЛИЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚАРОЛДАНМОҚДА. АЙНИҚСА, ГЎЗАЛ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН ШАХРИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК ҲУҚМ СУРГАН МАСКАН — МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ ЯНАДА ОБОД, АҲОЛИСИ ФАРОВОН ЯШАШИ УЧУН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРДА ҚЎЛИ ГУЛ ИНСОНЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИБРАТЛИ ИШЛАРИ АЛОҲИДА ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ.**

Хайрли мақсадлар кўзланиб, аниқ режалар асосида ёшларимизнинг соғлом, жисмонан бақувват, баркамол бўлиб вояга етишларида ва албатта, азалий кадриятларимиз бўлган ҳар бир фарзандага бирор бир касб-хунар сир-асрорларини ўргатиш аънаналари Мирзо Улуғбек туманидаги «Бешкапа» маҳалласида ҳам давом эттирилмоқда. Ушбу маҳаллада қўли гул уста — Дилдора Пулатова мисолида ижодкор инсоннинг нақадар жозибадор, гўзал, бетакор махсулотларни яратиб олишига тасанно айтгингиз келади. Камтаргина, мулоҳаза билан сўзловчи, кенг фикрловчи бу самимий аёл билан суҳбатимиз қизиқиб кетди...

— Асли касбим — ўқитувчи, — дейди Дилдора опа. — Йигирма беш йилга яқин ёшларга сабоқ бердим. Касбимдан, тақдиримдан, яқинларимдан миннатдорман. Фарзандларимизни уйли-жойли қилган, ижодий меҳнат билан шуғулланишни жуда-жуда хоҳладим. Қизиқувчанлигим, табиатдан доимий завқланишим, кузатувчанлигим туфайли қийинчилик, омадсизлик ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмай, ижод қилишга гайрат билан киришдим. Завқ-шавқ

ила меҳнат жараёнида бир-бирига ўхшамайдиган, аънанавийлик билан замонавийлик ўзаро уйғунлашган безакли, совгабоп манзарали буюмлар ясаб бошладим. Тўрт йилдан буён (бу орада опанинг кизлари оналарига ҳақиқий таянч бўлишди) турмуш ўртоғим дурадгор бўлганлари боис, мен учун рамка, ҳар хил ҳажм, кўринишли (киррали, ностандарт) шакллар ясаб берадилар. Мен эса она заманимизда етиштирилган дархат, гул, бутта, дуқакли, полиз экинларини самарали қўллаган ҳолда совгабоп манзарали буюмлар яратаман.

Бу орада Дилдора опа ишларини кўрган «Райхон-Дона» хусусий фирмаси раҳбари Райхон Қурумбаева уни ишга тақлиф қилди ва хунарманд опа шундан буён ушбу корхона ўз фаолиятини кенг намойиш қилаётган туман, шаҳар, республика миқёсидаги кўрик-танловларда ижодий ишлари махсули билан фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзи ишаб турган «Бешкапа» маҳалла кўмитасининг замонавий, кенг, турли тўғарак, майиш хизмат соҳаларида самарали қўлланилаётган зал, хоналарини ўзининг бетакор, кўрган кўзларни қувнатадиган махсулотлари билан безатишга баҳоли-қудрат ҳиссасини қўшди. Опа илтимос билан мурожаат этганларга тумандаги богча-мактаблардан сира ёрдамини аямайди.

Эътиборли томони, хунарманд бунда эзгу мақсадини кўзлайди. Ишга қизиқиш билдирган, ўрганишни хоҳлаганларга хунарининг сир-асрорларини эрияммай ўргатишни мақсад қилган. Унинг таъкидлашича, ижод чек-чегара билмайди, доимий янгиликни, тўлдирилиш, замон билан ҳамнафаслик унга соҳ. Гўзалликка, ижод қилишга мойил қалб эгаси фақат эзуликка, яхшиликка интилади — бу ҳаёт ҳақиқати. Олдидагина чамбарак (ғочдан), шох, барг гул, матонинг кўрок ҳамда лок бериш йўли билан гўзал буюмга айланиши ҳар гал завқлантириб, ўзига ишончини ортиради, янада кўпроқ, чуқурроқ излашга, асосийси, машаққат ҳақида умуман ўйламасликка, бизни ўраб турган оламни ёрқин, гўзал бўёқларда кўришга ундайди.

Дарҳақиқат, гўзаллик излаганга гўзалдир дунё, деб халқимиз бежиз айтмайди. Биз ҳам оиламизда, маҳалламизда, ишхона, умуман жамаиятимизда гўзалликка интилиб, уни яратишни эзгу мақсад қилган ҳолда умргузарилик қилайлик.

**Муҳаббат УМАРБЕКОВА СУРАТЛАРДА: моҳир кўли Дилдора опа Пулатова ижод жараёнида табиат, ҳаёт завқини туйган ҳолда меҳнат қилиши яратган махсулотларида яққол акс этган.**

**Рустам Шарипов олган суратлар**



## Миннатдорчилик

### АҲОЛИ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШМОҚДА

**ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА ТАЪКИДЛАНИШИЧА, ШАХРИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИГАН ЖОРИЙ ЙИЛДА 18,2 МИНГА ЯҚИН ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ ЯРАТИШ, ШУ ЖУМЛАДАН, ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИГА 2,2 МИНГ НАФАР КИШИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.**

Тахририятимизга хат йўллаган газетхон шундай ёзади:

— Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар инсон манфаати учун хизмат қилиши ҳеч кимга сир эмас. Банд бўлмаган фуқаро сифатида Собир Раҳимов туман бандликка кўмаклашувчи марказда рўйхатдан ўтдим ҳамда уларнинг таъини билан мен Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазага бош бошқармасига қарашли Ишчиларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказига юборишди. Биз (гурухда 11 нафар қиз-жувонлар) «Би-чиш ва тиқши» курсида тахсил олдим. Ўқиш давомида марказ жамоаси, раҳбариятга хурмат ҳиссини туйди, айниқса бизга меҳр билан устозлик қилиб, касбининг энг нозик қирраларини ҳам очишга астойдил интилган марказ ўқитувчиси Шоира-

хон Исақовадан ниҳоятда миннатдор бўлдим.

Эътиборли томони, ўқиш даврида стипендия билан таъминландик, касбини пухта эгаллашимиз учун яратилган шарт-шароитлар, замонавий хорижий тикув машиналари, керакли дастгоҳ ва ускуналар, махсус жиҳозлар талаблар даражасида. Турли ёшдаги ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳам ҳар хил эди, албатта. Лекин Шоирахоннинг малакалари, ҳаёт тажрибалари, одамийликлари, ушбу марказнинг қатъий режа дастурлари асосида мактаб ёшидаги болалар кўйлақчаларини тикишдан бошлаб, эркак ва аёллар учун кўйлак, шимларни бичишдан то тайёр бўлгунча бўлган жараёнларни бажонидил, алоҳида гайрат-шижоат билан ўргандик.

Жумладан, устозимизнинг нафақат касбини эгаллашга, балки ҳаётдаги ўз

ўрнимизни тўғри танлай олишимизга уйғотган ишончлари курс талабаларининг миллийлигимиз рамзи бўлган бежирим либослар, хаттоки пальтони ҳам қойилмақом қилиб, хорижикидан асло қилинмайдиган тарзда тикишга туртки бўлди. Шунда халқимиз хунар, хунардан ризқ унар, деб бежиз айтмаслигини қалбдан хис қилдим. Мен ҳамшаҳарларимиз, айниқса, уй бекаларининг давлатимиз томонидан юқоридаги каби ўқув марказларида касб-хунар ўрганиш, иш жойларига эга бўлиши учун яратилаётган шарт-шароитлардан воқиф бўлишларини, ушбу имкониятлардан умумли фойдаланишларини дилдан хоҳлардим. Бу йўлда хизмат қилаётган ўқув марказининг ўқитувчиларига сиҳат-саломатлик, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайман.

**Битирувчи талабалар номидан Холида МИРСАЛИМОВА**

ИНСОН МАЪНАВИЯТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА, БИЛИМ ВА ДУЊЕҚАРАШНИ БОЙИТИШДА МУЗЕЙЛАРИНИНГ ҲАММУ ҚИЙМАТИ БИНАСА БИНАСА БИНАСА БИНАСА...

Фармон ва ижро

МУЗЕЙДАГИ «ХУНАР МАРКАЗИ»

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхши...

Айни вақтда музейимизда Абдулла Қодирий номидаги маданият институти талабалари, Ўзбекистон Бадий академиясининг тасвирий ва амалий санъат...

Мазкур маскан халқ усталари ва rassomларнинг ижодий фаолиятини такомиллаштиришда ўзига хос бир мактаб...

Ушбу марказда наққошликни ўрганиш, дейди Шухрат Жалилов. — Наққошликка болалигимдан қизиқман...

Гўзал САТТОРОВА, Уза Мухбири

КОРЕЯЛИК ЖУРНАЛИСТНИНГ ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ФАРМОНИГА ҚўРА «THE KOREA POST» ЖУРНАЛИ ПРЕЗИДЕНТИ-НОШИРИ ЛИ КЭНГ СИК «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН ЭДИ.

Яқинда Сеулда Ли Кёнг Сик мазкур юксак мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Корей Республикасидаги факультетда ва мухтор элчиси Виталий Фен журналисти «Дўстлик» ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонни ўқиб эшиттирар экан...

Ушбу наққошликни ўрганиш, дейди Шухрат Жалилов.

Ушбу наққошликни ўрганиш, дейди Шухрат Жалилов.

Гўзал САТТОРОВА, Уза Мухбири

нинг юксак мукофотига лойиқ топилган илк корейлик журналист бўлиш юксак шараф эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, Ли Кёнг Сик келажакда ҳам Ўзбекистон ва Корей халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустақамлаш...

Ли Кёнг Сик ордени билан берилганидан пул мукофоти учун миннатдорлик изхор этиб, ушбу маблаг ҳисобига Ўзбекистондаги мейрибонлик уйларидаги бири учун спорт ускуналари тўплами ва махсус тренажерлар харид қилишни сўради.

Кунга кеча эса «The Korea Post» президент-ношири Ли Кёнг Сикнинг тақдирлари сўради. Кунга кеча эса «The Korea Post» президент-ношири Ли Кёнг Сикнинг тақдирлари сўради.

Б.МАМАЖАНОВ, «Жахон» АА

СИРЛИ ОЛАМ

Жахон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

• Копенгагенда (Дания) дунёда биринчи марта бўлиб ўзини яратдишди. У олти гидравликалик (сув кучи билан юрадиган) оёқда «юриб» қуёш нуридан куч олади. Қулай уйда меҳмонхона, ошхона, ҳожатхона ва ўтинли плитка мавжуд.

• Африка қитъаси, Кошго дарёсининг ўнг irmoқлари ҳавзасида митти одамлар — пигмейлар ҳаёт кечиради. Уларнинг ватандари тропик ўрмонлардир. Бу митти кишиларнинг бўйлари 120-145 сантиметрга етади.

• Тибет тоғларининг баланд қисмида «Донкон» деган бир қишлоқ бўлиб, 1947 йилдан бери унда яшайдиган аҳолидан биронта ҳам одам ўлгани йўқ.

• Япониянинг «Тошиба» корпорацияси электромобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниётида. Ушбу лойиҳа Германиянинг «Фольксваген» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

• Қон босимининг ошиши (артериал гипертония) наслдан наслга ўтар экан. Балтимор (АҚШ) шаҳридаги Жон Гопкинс номли университет ходими Нас-Юнг Ван тўплаган маълумотлар асосида бундай тўла ўрганиб чиқди.

• Лесото қироллиги ҳудудида 478 қаратли олмос топилди. Хабарларга қараганда, Буюк Британиянинг «Геш Даймондс» компаниясига қаршли қондан топилган ушбу олмос катталиги бўйича дунёда 20-ўринни эгаллаган.

• Иордания билан Исроил давлатларининг ўртасида дунёга машхур «Улик денгиз кўли» жойлашган. Унинг майдони 1 миң кв/км, энг чуқур жойи 392 метр бўлиб, оқмас шўр қўлдир.

• Иордания билан Исроил давлатларининг ўртасида дунёга машхур «Улик денгиз кўли» жойлашган. Унинг майдони 1 миң кв/км, энг чуқур жойи 392 метр бўлиб, оқмас шўр қўлдир.

Қарор ва ижро

ЎШЛАР КЕЛАЖАГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ ЮРТ ИСТИҚБОЛИДИР. МАЪЛУМКИ, ҲАР БИР ОТА-ОНА ФАРЗАНДИНИ ИЛМЛИ, ХУНАРЛИ, ОТА-ОНАСИГА МЕХР-МУҲАБАТЛИ, ВАТАНГА САДОҚАТЛИ, МАРД ВА ЖАСУР, КОМИЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШНИ ОРЗУ ҚИЛАДИ.

Айтиш жоизки, бугунги кун ёшларига ҳавас қилмас эришди, негаки ўз эғру-мақсадлари сари интилган ёшлар албатта катта ютуқларга эришмоқда. Чунки, мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан ёшларнинг билим олиши, хунар эгаллаши, хоҳлаган касби бўйича ишлаши ёки тил ўрганиши, чет мамлакатларда ўз маълумоти билан ишлаши ҳам беқийс ютуқлари қўлга киритаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда.

Фарзандимиз хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин уларнинг келгусида қандайдир соҳа эгаси бўлиши, нимага қизиқишига кўпроқ ота-оналар эътибор қилиши керак. Аввало фарзанднинг қалбига қўлоқ тутиши, қайси соҳага қизиқиши, билим савияси, интилишига қараб 9-синф битирувчиларини ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишидаги ўқув масканларига йўллаши керак.

Раба олиш масаласидир. Бугун ота-оналарга яна бир бор фарзандларини таълимнинг кейинги тури билан қамраб олишда уларнинг вазифалари, бажарадиган ишлари, болаларнинг касбларини тўғри танлашларида ёрдам беришларини эълитиб ўтиш мақсадида йиғилдик. Бундан ташқари олдимизда давлат имтиҳонлари турибди. Имтиҳонларнинг ташкил этилиши, аттестатга баҳолар қай тартибда қўйилиши, имтиҳон жараёнлари қай тартибда ўтиши ва баҳолар қандай яқунлиши ҳақида тушулча бериб ўтатиш. Мактабимизда ўтган ҳафтада ҳам касб-хунар коллежлари, академик лицейлар вақиллари иштирокатида йиғилиш ўтказилган эди. Иштирокчилар ўз ўқув масканлари ҳақида, ўқитиш шароитлари, билим бериш, касб-хунар ўргатиш жараёнлари ҳақида ўқувчиларга кенг ва атрофлича гапириб бердилар.

Фарзандимиз хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин уларнинг келгусида қандайдир соҳа эгаси бўлиши, нимага қизиқишига кўпроқ ота-оналар эътибор қилиши керак. Аввало фарзанднинг қалбига қўлоқ тутиши, қайси соҳага қизиқиши, билим савияси, интилишига қараб 9-синф битирувчиларини ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишидаги ўқув масканларига йўллаши керак.

Фарзандимиз хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин уларнинг келгусида қандайдир соҳа эгаси бўлиши, нимага қизиқишига кўпроқ ота-оналар эътибор қилиши керак. Аввало фарзанднинг қалбига қўлоқ тутиши, қайси соҳага қизиқиши, билим савияси, интилишига қараб 9-синф битирувчиларини ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишидаги ўқув масканларига йўллаши керак.

Раба олиш масаласидир. Бугун ота-оналарга яна бир бор фарзандларини таълимнинг кейинги тури билан қамраб олишда уларнинг вазифалари, бажарадиган ишлари, болаларнинг касбларини тўғри танлашларида ёрдам беришларини эълитиб ўтиш мақсадида йиғилдик. Бундан ташқари олдимизда давлат имтиҳонлари турибди. Имтиҳонларнинг ташкил этилиши, аттестатга баҳолар қай тартибда қўйилиши, имтиҳон жараёнлари қай тартибда ўтиши ва баҳолар қандай яқунлиши ҳақида тушулча бериб ўтатиш. Мактабимизда ўтган ҳафтада ҳам касб-хунар коллежлари, академик лицейлар вақиллари иштирокатида йиғилиш ўтказилган эди. Иштирокчилар ўз ўқув масканлари ҳақида, ўқитиш шароитлари, билим бериш, касб-хунар ўргатиш жараёнлари ҳақида ўқувчиларга кенг ва атрофлича гапириб бердилар.

Фарзандимиз хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин уларнинг келгусида қандайдир соҳа эгаси бўлиши, нимага қизиқишига кўпроқ ота-оналар эътибор қилиши керак. Аввало фарзанднинг қалбига қўлоқ тутиши, қайси соҳага қизиқиши, билим савияси, интилишига қараб 9-синф битирувчиларини ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишидаги ўқув масканларига йўллаши керак.

Фарзандимиз хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин уларнинг келгусида қандайдир соҳа эгаси бўлиши, нимага қизиқишига кўпроқ ота-оналар эътибор қилиши керак. Аввало фарзанднинг қалбига қўлоқ тутиши, қайси соҳага қизиқиши, билим савияси, интилишига қараб 9-синф битирувчиларини ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишидаги ўқув масканларига йўллаши керак.

Раба олиш масаласидир. Бугун ота-оналарга яна бир бор фарзандларини таълимнинг кейинги тури билан қамраб олишда уларнинг вазифалари, бажарадиган ишлари, болаларнинг касбларини тўғри танлашларида ёрдам беришларини эълитиб ўтиш мақсадида йиғилдик. Бундан ташқари олдимизда давлат имтиҳонлари турибди. Имтиҳонларнинг ташкил этилиши, аттестатга баҳолар қай тартибда қўйилиши, имтиҳон жараёнлари қай тартибда ўтиши ва баҳолар қандай яқунлиши ҳақида тушулча бериб ўтатиш. Мактабимизда ўтган ҳафтада ҳам касб-хунар коллежлари, академик лицейлар вақиллари иштирокатида йиғилиш ўтказилган эди. Иштирокчилар ўз ўқув масканлари ҳақида, ўқитиш шароитлари, билим бериш, касб-хунар ўргатиш жараёнлари ҳақида ўқувчиларга кенг ва атрофлича гапириб бердилар.

ДИЁРИМИЗДА НАФОСАТНИ ТАРАТИБ, КЎНИЛЛАРИНИ МАФТУН ЭТГАН МУСИҚИЙ ЖАМОАЛАР ОРАСИДА ЭЛИМИЗ МЕҲРИНИ ҚОЗОНИБ, ДИЛ ТОРИНИ ЧЕРТА БИЛГАН КЕКСА ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАРДАН БИРИ ТЎХТАСИН ЖАЛИЛОВНОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ХАЛҚ ЧОЛГУЛАРИ ОРКЕСТРИНИ БИЛМАГАН, УНИНГ ЮКСАК ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИГА ҚОЙИЛ ҚОЛМАГАН ВА ЗАВҚЛАНМАГАН КИШИ БЎЛМАСА КЕРАК. ОРКЕСТРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНГА ҲАМ ОЗ ЭМАС, КЎП ЭМАС ЕТМИШ ЙИЛ ТЎЛИБДИ.



ШАРАФЛИ ИЖОД ЙЎЛИ

Жамоанинг ташкил топиши ўзбек миллий чолгуларини такомиллаштиришнинг жадал йўллари билан биргача шарафли ижод йўлидир. 1966 йили оркестр жамоасига Ўзбекистон халқ артисти, таниқли устоз санъаткор Тўхтазин Жалилов номи берилди. Оркестр дастурини бошқаришда композиторлардан С.Бобоев, Б.Генко, И.Хамраев, Т.Қурбонов, С.Жалил, М.Тожиёв, Х.Раҳимов, Ф.Олимов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшганлар.

Оркестр дастурининг хилма-хил бўлиши ва ижрочилик маҳоратининг ошишида турли даврларда жамоада дирижёр бўлиб фаолият кўрсатган Л.Султонова, Н.Алимов, А.Баҳромов, С.Каримов, Ф.Назаров, С.Жалил, А.Ливиев ун беш йил давомда оркестрга бадий раҳбар ва бош дирижёрлик қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саид Алиев ва бошқаларнинг муносиб ҳиссалари бор. 1976 йилдан бери оркестрга Ўзбекистон халқ артисти, профессор Форуқ Содиков бадий раҳбар ва бош дирижёрлик вазифаларини бажариб келмоқда. Шу ўтган даврда «маэстро»га Ф.Юнусов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Ф.Абдурахимова, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор А.Ливиев ва бошқалар дирижёр сифатида ёрдам бериб келганлар. Бугунги кунда Ўзбекистонда

хизмат кўрсатган артист А.Муборақов дирижёрлик вазифасини бажармоқда. Оркестр дастурининг шаклланишида ўзбек халқ куй ва қўшиқлари, мумтоз дурдоналари, жазон классик ва республика композиторларининг асарлари алоҳида ўрин тутди. Хилма-хил муслиқий жанрларда яратилган ижод махсулларини талқин этишда, маромига етказилган маҳорат замирида Форуқ Содиковнинг серқирра ижодий меҳнати муҳасам бўлиб, у оркестрнинг маънави янги сифат даражасига кўтара олди. Натижада йиғирмага яқин граммластинка ёзилди ҳамда муслиқили палитра фильм-концерт яратишга эришилди. Юқори профессионал ижрочилик маҳорати, дунё классик муслиқасини тарғиб қилишдаги эришган ютуқлари учун жамоа 1980 йилда «Давлат оркестри», 1991 йилда «Академик оркестр» юксак унвонлариغا сазовор бўлди.

Оркестр нуфузли халқроқ мусиқа фестивалларида иштирок этиб, ўзбек мусиқа ижрочилики санъатини муносиб намойиш этиб келмоқда. Мисол тариқасида «Киев баҳори», «Сочи оқшоми», XII жаҳон ёшлари фестивали, «Белорусия кузи», «Корей баҳори», «Қараганда муслиқили Сары - Арка», «Шарқ тароналари», «Остона шаҳридаги Халқроқ халқ чолу оркестрлари фестивали «Серпер» ва бошқаларни келтириш мумкин.

Оркестр концертларида яқнахон хонандалардан Ўзбекистон халқ артистлари Фаруқ Зокиров, Мўяссар Раззоқова, Насиба Абдуллаева, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Аваз Ражабов, Насиба Сатторова, Нормиён Султонов, Юнус Тўраев, Дилором Раҳमतиллаева, Халқроқ танлов ғолиби Нейматилла Синхабиби, шунингдек яқнахон созандадан Ўзбекистон санъат арбоби Офелия Юнусова, республикада хизмат кўрсатган артистлар Мирза Тоиров, Шўкратулла Аҳмаджонов ва бошқа кўплаб ижрочилик танловларининг ғолиблари катнашиб келмоқдалар. Оркестр эър маҳорат билан ижро этган муслиқий асарларини тинлаганимизда беқийр дил торини чертган жамоа бу дегимиз келди.

Рустам ХУҲАЕВ, Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори СУРАТЛАРДА: оркестр бадий раҳбари ва бош дирижёри, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Форуқ Содиков, оркестр жамоаси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Чиқаргай жоху мансаб бўлаким дуд, Анга юз чора айла, бўлмагай суд...

Агар тегрангни тутса мону жоҳинг, Ўшал молинг — илондир, жоҳ — чоҳинг.

Магар тоатлидирсен, ё гуноҳлик, Берар ҳар узву аъзойинг гувоҳлик.

Магар ҳар нарсага сен шунчалар банд, Нечук бўлгайсен ўз аслинга пайванд?

Улардин биттаси бу сирга етгай...

Не билгайсен, нечун инсонда асрор? Шунинг-чун этмагил инсонни инкор.

Атоси деди: жиндак бўлса гар жоҳ, Ўшал боис маконинг бўлгуси чоҳ.

Агар бир нарса бирлан зиндадирсен, Аниқ билким, ўшанга бандадирсен.

Бажармас эрса қалбинг айтганигни, Нечук сен йўлга солгайсен танингни?

Бир ишни айласанг, чун сидқи жон қил, Уни кўз-кўзлама, кўздин ниҳон қил.

Кўнгилни покламоқ эрса талошинг, Кўнгилда порлагай ишқдин кўёшинг.

Киши бир ерда гар кўрса жамоле, Унинг кўргусида йўқдир камоле.

Ҳама яхши, ёмон пайваста эрмиш, Улар бир-бирига боқлиг, баста эрмиш.

Боқиб бир узвиги, дил берма зинҳор, Кўринсин бир бутун қарингда ул ёр.

Ўзингдин кечмагунча иш юришмас, Ўзингдинг кеч, юришга ул ишинг, бас.

Агар асрор аро эрса ишончинг, Келурлар ўз-ўзингдин қувончинг.

Ўзингга тикмагил кўзни, нари сур, Ҳижобдирсен ўзинг, ўзни нари сур.

Агар сенда ўзингдин қилча қолгай, Оёғингга осилган тошча бўлгай.

Ақл эрмиш ўшал оламда, эй дўст — Ки, ул бир мағз эса, ҳиссинг анга пўст.

Магар ҳар зарраким мулки жаҳондир, Ҳама ул жоми ақлингга аёндир.

Билим иста, агар шоҳи жаҳонсен.

Кишиким толиби жону жаҳондир, Ўшал жону жаҳонсиз, нотавондир.


Тиларсен асрамоқ оташдин ўзни, Бу оташгоҳ жаҳонга солма кўзни.

Солур жонларга кўрқув Ҳақ қаҳри, Йўқ эрса, тўғри ҳам бўлгайди ўғри.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан 2005 йил 22 декабрда Шонагиметов Юлчибой Эргашевин номига берилган 0 №002285 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

Буюртма Г- 106

ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БУГУНГИ КУНДА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЖОЙЛАРДА БУ БОРАДА ТУРЛИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.



КЕЛАЖАГИМИЗ Пойдевори МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Республика Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими, «Камолот» ЕИҲ туман бўлими, туман ички ишлар бошқармаси ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси томонидан Х.Калонов номли компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида турли соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган «Ёшлар — келажак пойдевори» мавзусидаги тадбир ҳам ана шундай хайрли мақсадларни кўзлаб ташкил этилди. Тадбирда яқин атрофдаги маҳаллалар фаоллари ва коллеж талабалари қатнашди.

Тадбирни очар экан Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Н.Абдурахимова келажакимиз таянчи бўлмиш ёшларимизнинг маънавиятини ошириш, уларга замонавий билимлар асосида таъ-

лим бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб, жумладан туманда бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди.

Кейинги сўзга чиққанлар ҳам ёшлар тарбиясига оид долзарб муаммолар юзасидан фикр юритдилар. Хусусан, Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг бош мутахассиси А.Бердиев «Болалар конвенциясининг мазмун-моҳияти», туман бош имом хатиби О.Жамилов «Диний саводхонлиқни ошириш», шаҳар наркологик диспансери шифокори А.Саидов «Гийёванлик — XXI аср вабоси», туман «Оила» маркази раҳбари А.Камалова «Ёшлар муаммолари» мавзусида батафсил тўхталиб ўтдилар, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.



Ўйлаймизки, ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш, гийёванлик ва диний экстремизмга қарши кураш, ёшларнинг келажакда баркамол инсон бўлиб етишишларига ҳисса қўшиш мақсадларини кўзлаб ташкил этилган анжуман ниҳоятда қизиқarli ўтиб, ёшларда катта таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

Спорт янгиликлари

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ТУРНИР ҒОЛИБИ

АҚШНИНГ ЛАС-ВЕГАС ШАҲРИДА ТАЭКВОНДО БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН «А» ТОИФАЛИ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТУРНИР МАМЛАКАТИМИЗДА УШБУ СПОРТ ТУРИ ТОБОРА ОММАЛАШАЎТГАНИНИ ЯНА БИР ҚАРРА ИСОБЛАДИ.

Гап шундаки, дунёнинг 40 та давлатидан келган спортчилар билан беллашган ҳамюртларимиз Лазиз Эрматов ва Александр Лим ўз вазн тоифаларида барча рақибларидан кучли эканлигини исботлаб шохсунанинг юқори погонасини забт этишди ва Тошкентга иккита олтин медал билан қайтишди.

ФЕДЕРАЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

МАЪЛУМКИ, БОУЛИНГ СПОРТ ТУРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ОММАЛАША БОШЛАГАНИГА ҲАЛИ КЎП ВАҚТ БЎЛГАНИ ЙЎҚ.

Европада тамаки биринчи марта 1492 йилда пайдо бўлди. Машхур сайёх ва олим Христофор Колумб Америка қитъасини очганда унинг матрослари, хизматчилари шу ерда яшаётган халқнинг тамаки барглари кўриб, сўнг ўраб чекаётганларини кўришган, шунда ўзлари ҳам чекишга ўрганганлар. VII асрда Испания подшоҳи ва монархи Роман Пано-Сан-Домингодаги Табаго провинциясидан тамаки уруғини олиб келиб эккан ва ҳосил олган.

Лекин унинг салбий томонларини шифокорлар ўз тажрибаларида кўрганлар ва исботлаганлар. Унинг захаридан минг-минглаб одамлар ҳалок бўла бошлаган.

Веналик шифокор Кайб тамаки тутунининг тарихи ҳақида жуда қизиқ маълумотлар келтирган. Биргина сигаретанинг тутунинида микроскоп билан кўринадиган 60 миллионга яқин заррачалар мавжуд экан.

Уртача кашанда 20 йил мобайнида ана шундай тутунлардан 6 килограммининг ютади. Тамаки тутунинида 73 фоиз азот, 10 фоиз кислород, 9,5 фоиз углерод оксид, аммиак, никотин, таъсирловчи ва рақ кўзга-тувчи канцероген моддалар бор. Тамаки тутунини билан фақат чекувчи эмас, балки у билан бир хонада бўлган одам ҳам зарарланади. Текширишлардан шу нарса аниқландики, тамаки таркибидидаги никотиннинг 20-25 фоизи организмга тамаки тутунини орқали нафас аъзолари томонидан сўрилади. Бунинг 50 фоизи ташқи муҳитга тарқалиб хавони ифослайди, қолган қисми эса сигарета чўғида қолдиқда қолади. 25 донга папирос ёки сигаретадаги никотин моддаси чекайдиган одам учун ўлим дозаси деб ҳисобланади. Франция педиатрларининг ҳисоблашига қараганда бир кунда 10 донга сигарет чекайдиган ота-онадан туғилган бола одатдаги тенгдошларига нисбатан касалликка кўпроқ чалинади экан. Улар чекайдиган ота-онанинг фарзандларига нисбатан ўпка ва юқори нафас йўллариининг шомоллаши билан 2 мар-

та кўпроқ оғрир эканлар. Ҳомилдор аёл чекканда унинг қорнидаги болага никотин ўз захарли таъсирини ўтказди ва шу туфайли чақалоқнинг ногирон бўлиб туғилиши хавфи бор.

АҚШ тиббиёт комиссияси 2006-2008 йилларда шундай хулосага келдики, кунига 20 донга сигарет чекайдиган кишилар ўртасида чекайдиган кишиларга нисбатан ўпка саратони 20 баравар кўп учраб экан. Француз олимларининг 2008 йил маълумотларига кўра етук ёшда ўпка силлага учраган 100 та бемордан 92 таси чекувчиларга тўғри келар экан. Япония олимларининг аниқлашича, шу зарарли одатга ўрганган 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган эркекларнинг рақ билан оғриш хавфи чекайдиганларга қараганда 3,5 ба-

Ер юзи аҳолисининг йилига 12 миллион сигарет ва папирос чекиши ҳисоблаб чиқилган. Чекиб ташланган сигарета ва папирос миқдори 2 миллион 520 минг тоннага етади. Ўттиз йилдан кўпроқ рентгенолог бўлиб ишлаган бир шифокордан «Соғлом авлоднинг ўлкаси рентгенда қандай кўринади?» деб сўрашди. — Соғлом одамнинг ўпкаси, — деди у рентгенда худди яшнаган, кўм-кўк майсаларга бурканган водийга ўхшаб кўринади. Узоқ йиллар тамаки, сигарет чеккан одамнинг ўпкаси-чи? — Худди чағир тошлар билан ўлиб-тошган курум босган тошлоққа ўхшайди, — деб жавоб берган экан у.

Агар одамлар чекамай қўйсалар, деб ҳисоблайди машхур инглиз олими Ри-

Кани ўзингизни синаб кўринг ва кашанда ўртоқларингизни ҳам тамаки чекишни сиз билан баравар ташлашга даъват қилинг.

Чекишни ташламоқчи бўлсангиз, қатъий «чекмайман» деб ўзингизга ваъда беринг. Агар ирода суст бўлиб, сўзингизнинг устидан чиқмасангиз, кумуш нитратнинг кучсиз эритмаси билан озгингизни чайинг, сўнг чекинг. Шунда озгингиз шундай бемаза бўлиб кетадик, беихтиёр жирканиб сигаретани улоқтириб ташлайсиз.

Зарарли одатдан қутулишнинг энг осон йўлидан яна бири уни бирийўла ташлашдир. Айрим кишилар учун бу қулай, лекин бу жуда катта ирода талаб қилади. Дастлабки кунларда беморлар ўзларида чарчаш сезадилар.

Икки-уч кун ўтган бу никотинга ўрганган организм секин-аста янги шароитга кўникиб кетади. Италия олимлари шундай хулосага келадиларки, ўзимизнинг кўк чойимиз никотинни салбий таъсирини нейтраллаштириш қилар экан. Биринчи тажрибада сигарета филтрига кўк чой баргининг қўшилгани ихобий натижалар берди. АҚШда сигарета филтрини крахмал моддадан тайёрлашди.

Яна битта чекишнинг ташлаш усули — ҳеч қачон сигарет ва гугурт тағига олиб юрманг. Унинг ўрнига курт, конфет олиб юринг. Чекингиз келса дарров поста қачинг ёки куртни майдалаб битта-битта тил тағига ташланг.

Хозирги кунда чекишни ташлаш учун махсус таблетка — Табекс деган дори воситаси ишлаб чиқилган, дорихоналарда сотилади. Бу препаратни жадал бўйича истеъмол қилинса, чекиш хасталигидан халос бўласиз. Бундан ташқари Швеция мамлақати чекишни ташлаш учун турли хил дори воситалари ишлаб чиққан. Лекин даволash жараёнида шифокор терапевтга ўзингизни кўрсатиб назорат остида бўлсангиз, аини муддаодир.

Тоҳир ИБРАГИМОВ, олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мутахассис маслаҳати

КАШАНДАЛИКДАН ҚУТУЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

ТАМАКИ ҲАҚИДАГИ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ, МАЪЛУМОТЛАР ЭРАМИЗДАН V АСР ИЛГАРИ ЎТГАН ТАРИХЧИ ОЛИМ ГЕРОДОТ АСАРЛАРИДА УЧРАЙДИ. УНИНГ ЁЗИШИЧА, АФРИКА ҚИТЪАСИДА ЯШОВЧИ ҲАБАШЛАР ЎША ДАВРДА МАЪЛУМ БИР ЎСИМЛИК БАРГЛАРИНИ ТУТАТИБ, ШУ ТУТУННИ ҲИДЛАШНИ ОДАТ ҚИЛГАН ЭКАНЛАР.

раравар кўпаяр экан. Чекиш қанчага тушадиган? Бу саволга АҚШ Конгресси кўмиталаридан бирида ўтказилган тадқиқот натижалари жавоб беради. Унга мувофиқ бир донга чекилган сигарет бир қутти юқори баҳодаги сигаретнинг уруғлик нархидан ҳам ортиқроқ экан. АҚШ учун чекиш зарари йилига 65 миллиард долларга тушмоқда. Тадқиқотларда хусусан чекувчиларнинг эрта ўлиши ва меҳнат қобилиятини йўқотиши ҳисобга олинди. Йилига қарийб 314 минг америка фуқароси чекиш оқибатида юзага келган юрак-қон томир ва ўпка касалликларидан нобуд бўлишмоқда. Бу кишилар 2007-2008 йилда олиб борилган тадқиқотларга кўра, бошқа америкаликларга нисбатан ўртача ўн етти йил кам умр кўрмоқдалар. Уларнинг меҳнат фаолиятларининг давомийлиги тўрт йилга қисқарган.

чард Дон, у ҳолда рақ касалликларидан ўлим даражаси уч хисса қамайган бўлур эди. Ўпка ва нафас йўллариининг баъзи бир касалликларидан ўлиш эса тўрт хисса қамаяр экан.

Чекиш юрак касаллигининг ривожланишига таъсир этиши кўп изланишларда ўз тасдиғини топган. Узоқ йил чеккан бемор эркекда катта бўлмаган жисмоний ҳаракат, қисқа масофага тез юриш жараёнида нафас сиқиши, ҳаво етишмаслиги, юракнинг тез-тез уриши, ҳолсизлик, тер босиб кетиши, тез чарчаш кузатилади. Бунда ўпка ўз фаолиятини жисмоний ҳаракат учун тўғрилай ола олмайди. Секин-аста бундай кашанда бемор ўз меҳнат фаолиятиндан четга чиқиб қолади ва ногиронга айланади.

Тажрибадан шу нарса маълумки, кашанда астойдил истава ва иродали бўлса, тамаки чекишни ташлай олади.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4512 нусхада босилди. Қўроғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.